

ЎЗБЕКИСТОН — ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

(Боши 1-бетда)

11 сентябр куни Вашингтон ва Нью-Йоркда юз берган мулоқотлардан кейин АҚШ Ўзбекистонни қатъий қарашларга эга мамлакат, Ислом Каримовни эса ўта жиддий ва оқил инсон, узокни кўра оладиган раҳбар сифатида янгидан кашф этди, дейиш мумкин. Ўзбекистонни ўйлантириб келган ташвишлар фақат мамлакатимизнинг ўзигагина тегишли эмаслигини АҚШ эътироф қилди.

Очиқ айтилган бўлса, сентябр воқеаларидан кейин Америка Қўшма Штатлари биз билан жиддий ва узок мулоқотларга муносабат ўрнатиб ўзининг манфаатлари учун гоат муҳимлигини тан олди. Ўзбекистон ва АҚШнинг куч-қудратини салоҳиятини солиштириб бўлмас-да, Жорж Буш Ислом Каримовни ўз мамлакатига расман таклиф қилди. Бу эса АҚШнинг Ўзбекистонга нисбатан тенглик ва

ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган муносабатидан далолатдир.

Вашингтонда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида имзоланган декларация - алоҳида мавзу. Гап шундаки, Ўзбекистон кўп мамлакатлар билан фойдаланиб келишувларга эришиб, икки томонлама ҳужжатлар қабул қилган. Лекин, яширадиган жойи йўқ, бундай ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам тўлиқ ишлайвермайди. АҚШ эса ўта қонунсепар мамлакат. Бундай омилдан фақат битта хулоса чиқариш мумкин, яъни бу ҳужжат тўла ишлайди, дейишга асосимиз бор.

Иккинчи жиҳати - декларациянинг қисқалиги, содда ва тили раволиги. Унда катта-катта шартномалардаги каби узун-узун моддалар йўқ. Атиги бешта банд. Ҳар бири муайян

соҳага бағишланган: сиёсий муносабатлар, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик, иқтисодий муносабатлар, ижтимоий алоқалар, ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорлик.

АҚШ Давлат котиби Колин Пауэллнинг Ўзбекистонга ташири чоғида аксилтеррор операцияси доирасидаги ҳамкорлигини тактикавий зарурат тақозоси бўлиб қолмай, ўзаро муносабатларимиз стратегик режалар асосида ривожланиш палласига киргани айтилган. Ислом Каримовнинг АҚШга сафари чоғида бу сўзлар ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди.

Шу ўринда Президентимизнинг бир фикрини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Биз АҚШга «осилиб» олаётганимиз йўқ. Қарс - икки қўлдан. Икки томон халқаро муносабатлар мезонларига, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос равишда бир-бирига қўл чўзаяпти.

Давлатларимиз тараққиётнинг қандай босқичида эканлигидан, қай бирининг салоҳияти қандайлигидан қатъи назар, биз тенглик асосида ўзаро муносабатларни ривожлантиряймиз. Ўзбекистон ҳам, АҚШ ҳам ўз манфаатларини ўйлагани учунгина стратегик ҳамкорлик ўрнатилмоқда. Бу эса дунё нигоҳини Ўзбекистонга қаратди. Гап шундаки, АҚШдек давлат бизга эътибор қаратар экан, бошқа мамлакатлар жим қараб турмайди. АҚШ Ўзбекистон билан муносабатларини стратегик даражада кенгайтиришдан манфаатдор экан, бошқалар ҳам шунга интилиши табиий. Демак, Ўзбекистон дунёнинг кен эътиборида. Бу эса мустақилликнинг илк даврида танлаган ва оғишмай келаётган йўлимиз тўғрилигининг яна бир кенг эътирофидир.

Анвар БОБОВЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

ЎЛЧАГИЧЛАР ҚАНИ?

Қайсидир қишлоқдаги тегиримон, иссиқхона, мойжувозда электр токининг ортиқча ишлатилиши қўшни қишлоқдаги хонадоннинг чироғи шам сингари хиралашиб қолишига сабаб бўлаётганини ўйламаймиз. Бу эса аҳолининг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шоли қурмаксий бўлмаганидек, фуқароларимиз орасида олтинга тенг электр энергиясидан фойдаланиб, ҳақини тўлашга келганда, турли

«Ишонч» фойда

йўللари излашга тушадиганлар ҳам учраб турибди.

Шундай фуқаролардан 9 нафарини ва ўн етти ташкилотни хўжалик судига бердик, - деди Яққабоб тўман электр таъминоти бўлимининг бошлиғи У.Кучаров «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Буни қарангки, айрим фуқароларимиз электр энергиясидан хисоблагични тўхтатиб қўйган ҳолда фойдаланадилар.

«Шарқ юлдузи» ширкат хўжалигининг Уват қишлоғида яшовчи Илхом Асадов ана шундай устаси фаранглардан чиқиб қолди. Шу хўжаликнинг Мучун қишлоғида яшовчи Юсуф Ашуров ҳам ҳеч қандай хисоблагич ўрнатмасдан электр энергиясидан бемалол фойдаланиб келган. Ш.Рашидов номидаги ширкат хўжалигининг Кўштегиримон қишлоғида яшовчи З.Раҳматуллаев ҳам шу йўлни танлаган.

Юқоридаги гаёриқонуний ҳолатларни аниқлаб, ишни қўриб чиқиш учун тегишли назорат органларига жўнатдик. Тумандаги ўн етти ташкилот ҳам электр энергиясидан фойдаланиб, ҳақини тўламаган. Каттабой Ашуров номидаги «Ҳақиқат», «Яққабоб», «Кизилсув» ширкат хўжалиқларининг электрликларига қатнашиб, назоратчиларимиз чарчаб кетишди. Хуллас, хўжалик судига мурожаат қилишга мжбур бўлдик. Фақат суд аралашгандан сўнггина бу масала ҳал бўлди. Айрим корхона раҳбарлари ташкилотлари иш фаолиятини тўхтатганлигини рўқач қилишди. Ваҳоланки, улар ўз биноларини ижарага бериб, ундан фойдаланишяпти, электр чироғи эса ёниб турибди.

Чинничилик — ўзига хос санъат. Ташкент, Қувасой ва Самарқанд чинничилик корхоналари бу борада ўз мактабларига эга. Хусусан, Самарқанддаги «Нафис» хиссадорлик жамияти ишлаб чиқараётган бир-биридан чиройли, шарқона санъат намуналари муҳассамлашган чинни идишлар ҳақон бозорида алоҳида ўрин эгаллайди.

Корхона жамоаси шу йилнинг ўтган 2 ойида 72 турдаги 282 миллион сўм миқ-

доридagi чинни маҳсулотини ишлаб чиқарди.

Мўҳими, корхонада иш унуми ва сифати кўнгилдагидек. Бу эса «Нафис»га муваффақият келтирмоқда.

Суратларда: **рассом Азиза Курбонова; «Нафис» чинчилари.**

Тоҳир НОРҚУЛОВ
(ЎзА) олган суратлар.



Муаммо кўндаланг қўйилади

ИШ БЕРУВЧИ ва касаба уюшма ҳамкорлиги...

Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кўмитаси аҳоли ўртасида амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларни тарғиб қилиш мақсадида жойларда турли учрашулар, семинарлар ўтказмоқда.

Ҳуқуқий саводхонликни ошириш учун бир қатор тадбирлар қўрилади. Мирзобод туманида тренинг «Аёл ва унинг ҳуқуқлари» мавзусида, Боёвутда очик мулоқот, Оқолтин туманида «Очиқ эшиклар куни» каби тадбирлар бўлиб ўтгани шулар жумласидандир. Уларда ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари, касаба уюшмалари фаоллари ҳамда ижтимоий таъминот мухтассислари ҳамкорлиги ўз самарасини берди.

Булардан ташқари, барча муассасаларда хотин-қизларга берилган имтиёزلардан қандай фойдаланилаётгани мунтазам назоратга олинган. Тармоқ ходимларининг фарзандларини соғломлаштириш борасида ҳам йилдан йилга эътибор кучайтирилмоқда. Ўзги оромгоҳларда 210 нафар бола соғломлаштирилди. Бу — 2000 йилдан бери 4,5 баравар кўпдир.

Оқолтин, Гулистон, Мехнатобод, Ховос туман, Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳар марказий касалхоналарида бу соҳага оид тадбирлар ўтказилмаган.

Баъзи етакчилар томонидан меҳнат қонунчилигини яхши бузилаётган ҳоллар ҳам учрамоқда. Масалан, Гулистон туман марказий касалхонаси томонидан (баш ҳақими У.Бойақов) ҳамширалар Тангирқулова, Мавлонбердиева ва Ниёзовалар касаба уюшма кўмитаси розилиги олинмасдан вазифасидан озод этилган. Вилоят кўмитасининг аралашувида сўнггина улар ўз вазифаларига қайта тикландилар ва мажбурий бекор юрган вақтлари учун иш ҳақи ундириб берилди.

Сирдарё тумани марказий касалхонасида ишловчи Рўзиева, Бариева, Ибрагимоваларга асоссиз равишда 2-3 йиллаб меҳнат татили берилмаган. Сирдарё, Гулистон туман марказий касалхоналарида 12 ёшгача, 2 ва ундан ортиқ боласи бор аёллар ҳақ тўланадиган 3 кунлик қўшимча таътил амалга оширилмаган.

Жамоа шартномасида белгиланганидек, Меҳнат кодексининг 115-моддасига асосан хо-

димларнинг иш вақти ҳафтасига 40 соат, тиббиёт ходимлариники эса ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланган бўлса-да, Боёвут, Сирдарё, Гулистон туманларида ходимлар бир ойда 167 соат ўрнига 216, 240 соатлаб ишга жалб этилганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Қонун бузилишларига йўл қўйилишининг асосий сабаби иш берувчининг меҳнат қонунчилигини яхши билмаслиги ва унинг бажарилишини назорат қилиб бормаслигидандир.

Бундан ташқари, жамоа шартномаларига «Махсус кийим бош, пойабзал ва бошқа хўжма воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати», «бепул сўт оладиган касб-лавозимлар рўйхати» илова қилинган бўлса-да, уларга сарфланадиган маблағ муассасаларнинг харажат сметаларига киритилмаган. Натижанда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу борадаги буйруқлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош санитар врач томонидан тасдиқланган кўрсатмалар бажарилмасдан қолмоқда.

Фикримизча, юқорида эслатиб ўтилган камчиликларга йўл қўйилишининг асосий сабабларидан бири баъзи касаба уюшмаларининг иш берувчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилмаганлигидир.

О. САИДОВ.

ИШЛОВЧИЛАР ИККИ БАРАВАР КЎПАЙДИ

Ҳозирги пайтда ёшларни иш билан таъминлаш долзарб вазифалардан бирига айланган. Уларни бирор касб-хўнарга қизиқтириш ва йўналтириш ҳар бир соҳада ютуқларга йўл очди. Чунки, ёшларнинг гайрат-шижоати кўп нарсани белгилайди.

Жондор туманида «Бандлик-2002» дастурининг ижросини таъминлашда худди шундай йўл тўтилмоқда. Туман ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий хўжма қилиш бўлими ўзаро ҳамкорликда тез-тез меҳнат ярмаркалари ўтказиб турибди.

Яқинда бўлиб ўтган ана шундай тадбирда 100 нафарга яқин йигит-қиз янги иш ўринларига эга бўлди. «Қамашон» фирмаси меҳнат ярмаркасида қатнашиб, 15 нафар кишини иш билан таъминлади. Фирмада 20 нафар фуқаро зардушлик либослари тайёрлаш билан машғул. Ярмаркадан кейин улар сонни қарий икки баравар кўпаядиган бўлди.

У. НАВРЎЗОВ.

2002 йил — «Қарияларни қадрлаш йили» СУЯНГАН ТОҒЛАРИМИЗ

Мамлакатимизда нурунийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилиниши бунинг ёрқин намунаси.

Вилоятда 400 нафарга яқин 100 ёшли ва ундан ошган пиру-бадавлат нурунийлар яшайдилар.

Давлат дастури доирасида «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий хўжма қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор ижроси таъминланмоқда. Ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий урф-одат ва аънаналарга садоқат руҳида тарбиялаш, муҳтож кексалар, қариялар, ногиронларга ҳар томонлама моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга жиддий аҳамият берилаяпти.

Бугунги кунда ёш авлод тарбияси учун жон куйдираётган қаршилик Исом Жалилов, Фаизи Раҳмонов, Муҳиддин Хикматов, Нарзия Акрамова, бешкентлик Иброҳим Очилов, касбилик Аҳмад Турсунов қабиларнинг хизматлари эътиборга моликдир.

Ёшлар онгига меҳнатга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғулари сингдирилган оқсоқоллар ҳамшира этишди. Улар ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларини ёш авлодга бажонидил ўргатадилар.

Жойларда «Нуруний» жамғармасининг 745 та жамоатчилик марказининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилган танловда Қарши туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» хўжалиги жамоатчилик маркази вилоятда биринчи, республикада эса учинчи ўринни эгаллади.

Кексалар рўзгорининг фариштаси, фаизи ва баракасидир. Вилоятда олиб борилаётган яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари, иқтисодий-ижтимоий ислохотларда уларнинг муносиб ҳиссаси бор. Жамғарма бўлим ва бўлинмалари тасарруфида 76 та кичик корхона ва фермер хўжалиқлари мавжуд. Уларда 600 нафарга яқин фахрий меҳнат қилишади. Ўтган беш йил мобайнида нурунийлар жамоаларида 748 миллион 234 миң сўмлик турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Корхоналар томони-

дан оталиққа олинган фахрийлар ва кам таъминланган оилаларга 1 миллион 804,5 миң сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Имтиёзли фахрийларга 94 миллион 629,4 миң сўмлик дори-дармонлар бепул тарқатилди.

Ҳукуматимиз меҳрибончилигидан руҳланган жамғарма вилоят бўлими ходимлари воҳанинг барча меҳнатқашлари, фахрийларига мурожаат қилиб, ҳаётий тажрибаларини ёш авлод қамолоти йўлида сафарбар этишга, мустақиллигимиз ва тинчлигимизни сақлашга даъват этдилар. Шаҳарлар, қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш, қўчат экиш ишларида фаол қатнашишга чорладилар.

Вилоят ҳокими оқсоқоллар билан учрашиб, қизгин мулоқот ўтказди, фахрийларнинг жамиятимизда барқарорлиқни мустақамлаш, муҳитни соғломлаштириш, ёшларни мустақиллик гоғярига садоқат руҳида тарбиялаш соҳасидаги хизматларига юксак баҳо берди.

Келгусида қарияларнинг дам олиб, соғлиқларини тиклашлари учун кулай шароит яратилади. Сихатгоҳларда 5 миңдан ортиқ нурунийнинг хордиқ чиқариши мўлжалланапти. Касби ва Шахрисабз туманларида қариялар учун янги оромгоҳлар ишга туширилади.

«Нуруний» жамғармасининг туман бўлимларига 10-15 гектардан ер ажратиб берилиши моддий аҳволни янада яхшилади. «Қашқадарё» газетаси «Нуруний» деб номланган илова чиқаради, вилоят телерадиокомпанияси орқали махсус кўрсатув эшиттиришлар ташкил этилади.

Қашқадарё нафақат ноз-неъматлар ўлкаси, балки қалби олов, меҳри дарё табарруқ отахон-онахонлар юртидир. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ўзининг «Қарши қўшиғи» шеърини оға юрти Қашқадарёни: «Эй, оташ қуёшдан яралган замин» деб бежизга алқаман. Нуруний отахон ва онахонларни улуглаш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Январ ИНОЯТОВ,
Қашқадарё вилоят «Нуруний» жамғармаси бўлими Кенгаши раиси.

Ўтган йилнинг 27 октябрида Пахтакор туманидаги А.Икромов номидаги пахта тозалаш хиссадорлик жамиятида ишчи, хали вояга етмаган Манас Абдуллоев билан юз берган бахтсиз ҳодиса кўпчилик қалбини парзанда солди.

Меҳнат муҳофазаси

номадан ўтмаган. Меҳнат кодексининг 242-моддасида иш вақтининг муддати ўн олти-

ҚОНУН ТАЛАБИ БУЗИЛГАЧ

бахтсиз ҳодиса рўй бермаслигига кафолат йўқ

Тозалаш цехи ишчиси одатадагидек эрталаб ўз иш жойида юмушларини бажаришга киришади. Орадан ярим соатча вақт ўтгач, унинг олдига смена устаси Сайфулла Субанов келиб «Заводга текширувчилар келар экан, ука, сен бориб циклонлар атрофини тозалашга ёрдам бер», дейди. Манас уста кўрсатмасига биноан циклон валини тозалашга шитоб билан айланаётган вал унинг қўлини ўраб кетади.

Ачинарлиси шундаки, М.Абдуллоев ҳали вояга етмаган бўлса-да, ҳафтасига қонунда белгиланган 36 соат ўрнига 48 соат ишлаган, ҳатто воқеа содир бўлган кун ҳам дам олиш куни — шанба эди.

Фақат шунга эмас, корхона маъмурилари меҳнат қонунчилигининг яна қатор бандларини ҳам қўпол равишда бузганликлари бу бахтсиз ҳодиса келиб чиқишига замин яратган. Жабрланувчи биринчи иш жойи — прессловчиликдан УХК ишчиси вазифасига ўтказилганда ходим розилиги олинмай Меҳнат кодексининг 92-моддаси, янги иш жойига ўтказилган эса, хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномадан ўтказилмай Меҳнат кодексининг 19-, 242-, 245-моддалари талаблари

бузилишига йўл қўйилган.

Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармаси томонидан тузилган махсус комиссия мазкур бахтсиз ҳодиса тафсилотини аниқлашга ўрганиб чиқиб, ўз хулосасини берди. Унга кўра ўз зиммасидаги вазифаларини етарли даражада бажармаган корхонанинг масъул шахслари интизомий, моддий жавобгарликка тортилдилар.

Бу борада айрим мулоҳазаларимиз ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасида «Маъмурият барча янги ишга қираётганлар, шунингдек, бошқа ишга ўтаётганлар учун ишларни бажаришнинг шарт» деб кўрсатилган бўлса-да, бунга эътибор қилинмасдан ишчи М.Абдуллоевнинг 6 сентябр куни 3-бригада тола прессловчиси вазифасига ишга қабул қилинса, 21 сентябрда хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномадан ўтган. 9 октябрдан янги вазифа — УХК ишчиси вазифасига ўтказилган, ҳеч қандай йўриқ-

дан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан... ошмайди қилиб белгилашди, дейилган бўлса, мазкур Кодекснинг 245-моддасида «ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунинидаги ишларга жалб этиш тақиқланади» дейилади. Афсуски, бу Қонун талаблари ҳам корхона масъул раҳбарлари томонидан бажарилмаган.

Қолаверса, Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш акционерлик уюшмаси бошқаруви (раиси Э.Зикриёев)нинг мазкур уюшма касаба уюшма кўмитаси (раиси Ю.Аноркулов) билан келишиб тасдиқланган «Пахта тозалаш ва луб санвати тармоқларидаги ишлар ва ишчилар касбалари, раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилик мансабларини классификациялаш бўйича норматив ҳужжати» талаблари ҳам корхона масъулари томонидан қўпол равишда бузилган.

Бахтсиз ҳодиса сабабли бир инсон умр бўйи мажруҳ бўлиб қолди. Агар меҳнат муҳофазаси бўйича амалга оширилган аниқ тадбирлар доимийлиги таъминланганда эди юқоридаги ноҳушлик бўлмасди.

А. АЗИМОВ.

ЯНГИ ТЕЛЕМИНОРА

Қадимий Чустнинг қиёфаси истиқлол йилларида тубдан ўзгариб кетди. Замонавий услубда қурилган бинолар шаҳар кўркини очиб юборди. Ўзининг дўпписи-ю, пигоичи билан дунёга машҳур бўлган Чуст бугунги кунда «Мармар-Ф» корхонасида ишлаб чиқарилаётган сифатли мраммалари билан юртимиз кошоналарини беэмоқда.

Яқинда туманда 187 метрли телеминора қурилиши бошланди. Бу телеминора ишга тушгач, 70 километр радиусга, яъни Наманган вилоятининг 90 фоиз ҳудудига тўқтин тарқатади. Уяли телефон станциялари ишга тушади. Келажакда туман телекўрсатувлари ташкил этилади.

Телеминоранинг олти гектарлик ҳудудига учта бино, битта операторлар уйи ва бошқа махсус бинолар қурилади.

Телеминоранинг лойиҳа қиймати 360 миллион сўмдир. Республика «Ўзтелеком» уюшмаси томонидан 100 миң долларлик замонавий аппаратлар ўрнатилади. Қурилиш ишларида бош пудратчи «Ўзпулат-монтаж» трести бўлиб, қурилиш ишларини Маданият вазирлигига қарашли Чуст туманидаги махсус таъмирлаш ишлаб чиқариш бошқармаси бажармоқда. Телеминора шу йил охирида ишга тушади.

Зарафшон шаҳридан Учқудук та- рафга 10 чакиримлар чамаси юрга- нингиздан сўнг илонизи бўлиб чапга кайрилган йўл сизни Томди томон етаклайди. Қарийб 24 минг аҳоли ис- тикомат қилаётган бу тумanning иж- тимой-иқтисодий ҳаётида кейинги кезларда катта ўзгаришлар юз бера бошлади. Моллар тўёқ сони қарийб 300 минг бошга етказилди. Бундан кўп йиллар илгари қурила бошлаган Янги Томди қўргони янада чирой очди. Кўплаб турар жой, маданий-ма- иший бинолар фойдаланишга топши- рилди. Табиийки, бозор иқтисодиёти бу ерларда ҳам кўплаб иш ўринла- рининг қисқаришига олиб келди. Бу ўз навбатида Томдида одамларни тадбиркорликнинг турли шакллари- ни ривожлантиришга ундади.

дорлиги ошди. Масалан, Мамбет Дўсанов сарф- харажатга мўлжаллан- ган маблағни иқтисод қилгани учун 215 минг сўм, мол бошини омон сақлаб, ўстиришга кўп кўзи қолдиргани учун 31 бош кўй билан тақдир- ланди. Хўжалик бўйича тежамкорлик учун отар чўпонларига 2.729 минг сўм қўшимча ҳақ тўлан- ди. Мол бошини омон сақлаб, кўзилатишда юқори кўрсаткичга эришганларга 1997 бош майда мол, 4 бош қулун берилди.

Хўжалик қошидаги 16 киши ишлаётган тикув цехида сирма, телпак, кўлоп, туя жунидан бел- бог, ўтов кигизлари,

Қаҳрамонлар орамизда

лион сўми дивидент учун ажратилди. Оилавий пуд- ратчилар иқтисод эвази- га 10,5 миллион минг сўм, режадан ошма маҳ- сулот топширганлари учун 9.780 минг сўм пул билан тақдирландилар. Ҳар бир ишловчининг ўртача йиллик дарома- ди 201857 сўмни таш- кил этди.

Хўжалик қошидаги ти- кув цехи кичик корхона- га айлантилди. Ҳозир бу ерда 20 нафардан зиёд киши чўлликлар ди- дага мос ўй-рўзгор бу- юмлари, миллий либос- лар ишлаб чиқармоқда. Барханлар оша овул-

ДЕҲҚОННИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Тўртқул туманидаги машина-трактор парк қошида «Улугбек-пре- цизион» Ўзбекистон- Россия қўшма корхона- си иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Аммо кор- хона тезда деҳқонлар назарига тушди. Бу ерда импорт ўрнини босадиган янги детал- лар тайёрланади, эс- килари қайта таъмир- ланади. Қўшма корхо- нада 20 киши меҳнат қилмоқда.

Қорақалпоғистон- нинг техника таъмино- ти тизимидаги бакуват жамоалардан бири бўлган мазкур машина- трактор парк деҳқон- ларнинг ҳақиқий ёр- дамчисига айланган. Жамоа ўтган йилда хўжаликларга 240 мил- лион сўмлик хизмат кўрсатди. Корхонада техникаларни таъмир- лашдан ташқари халқ истеъмол моллари - уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор бери- ляпти. Утган мавсум- да бу ерда тайёрлан- ган 15 миллион сўмлик консерва маҳсулотла- рини МДХ давлатлари- зарур эҳтиёт қисмла- рига алмаштирилди. Корхона ёрдами хўжа- лигидаги 30 бош қора- мол, 1 гектар боғ, 60 гектар ёр майдонидан олинаётган даромад ишчиларнинг турмуш шароитини яхшилашга сарфланмоқда.

(ЎЗА)

ТОМДИ БАҲОРИ



кичик бизнес субъектла- ри ташкил қилади. Шу ҳисобдан жойларда 705 нафар кишига янги иш ўринлари яратиш имко- ни туғилди. Шунингдек, ширкат хўжаликлари қошида қорақўл, қўй те- риларидан тайёр маҳсу- лот тайёрлайдиган цех- лар қайта ташкил эти- либ, ҳуқуқий мақомга эга кичик корхоналарга айлантилди. Ҳозирги кунда уларда халқ ис- теъмол моллари ишлаб чиқариш ва уларнинг турларини кўпайтириш тадбирлари кўрилмоқда. Утган йили 16 нафар тадбиркорга «Бандлик» жамғармаси томонидан 25,5 миллион сўм, фер- мер хўжаликлари уюш- маси томонидан 1,2 мил- лион сўм кредит ажра- тилди.

Биргина «Аяққудук» хўжалигини олиб кўрай- лик. Кейинги пайтда у чорвачилик ривожига етакчи ўринга чиқиб олди. Бугунги кунда бу ерда 50 минг бошга яқин

дан 110 тадан кўзи олинди. Мусобақа яқун- ларига кўра «Қулмбет» фермаси чорвадорлари фойда деб топилди. Хўжалиқда молия инти- зоми тубдан яхшиланган, оилавий пудратча чек усули жорий этил- гани боис Мамбет Дўсанов, Жуманбой Қартбаев, Жарилқасин Жанабаев, Абдираман Солиев сингарилар етакчилик қилаётган отарларда бир отардан икки отар яратиш имко- ниятини яратди. Ширкат- да давлатга гўшт, қорақўл тери топшириш режалари ошиғи билан бажарилди. Сотилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматдан қарийб 200 миллион сўмлик даро- мад олинди. Соф фойда 70,9 миллион сўмни ташкил қилди. Хўжалик- нинг рентабеллик дара- жаси 57,2 фоизга етиб, бурноги йилга нисбатан 13,8 фоиз ўсишга эри- шилди. Натيجида ишлов- чилар моддий манфаат-

цемент етказиб берил- ди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзанд- ларига 120 минг сўмлик дарсликлар ҳада қилин- ди. Болалар боғчаси йил давомида хўжалик ҳисо- бидан гўшт, сут билан таъминлаб турилди. Овулдаги 4 нафар ёлғиз қариянинг уйларини таъ- мирлаш, иссиқ-совуғидан хабар олиб туриш ҳам хўжалик зиммасида.

Кўйчиликда ўтган йил яқунлари Тағай Турдибе- ков, Нормурат Келдибе- ков отари кўйчивонлари учун айниқса, қувончи келди. «Керегатау» да яқинда бўлган ҳисобот йиғилишида Т. Турдибе- ков 615 минг сўм, Н. Келдибеков 486 минг сўм қўшимча даромад олгани маълум бўлди. Хўжалиқнинг ялпи да- ромади эса 146.226

лар оралаб ўтар экан- сиз, беихтиёр қалбин- гизда тиниб-тинчимас одамлар эртанги ёруғ кунлар учун катта умид, ишонч билан меҳнат қилаётганидан гурур ва фахр туйғуларини туй- сиз.

«Бирлик» ширкат хўжалиги ҳудуди бир то- мондан Конимех тумани- нинг «Қизилқум» хўжали- ги яйловлари билан ту- ташган бўлса, иккинчи томондан Қозоғистон билан чегарадош. «Жи- гар» кичик корхонаси ви- лоят «Ташаббус — 2002» кўрик-танловида иккин- чи ўринни эгаллаб, қим- матбаҳо мукофот сохи- би бўлгани нур устига аъло нур бўлди.

Ҳозир корхонанинг ти- кувчилик, гилам тўқиш цехларида 20 нафар киши меҳнат қилмоқда. Чиройли ва бежирим

«Жигар» маҳсулотлари нафақат ўзимизда, бал- ки Қозоғистон бозорла-



шида халқ истеъмоли моллари тайёрлашни янада кўпайтириш мақ-

минг, соф фойда 97.215 минг сўмни ташкил этди. Шундан сал кам 9,5 мил-

«Жигар» маҳсулотлари нафақат ўзимизда, бал- ки Қозоғистон бозорла-

Кўрсатилаётган ёрдам хўжалик олаётган иқти- содий самарага қараб белгиланмоқда. Агар хўжалик йилни 181 мил- лион сўм даромад бил- лан яқунлаган бўлса, унинг 59.520 минг сўми- ни соф фойда ташкил қилди. Режадан ортиқ маҳсулот олган пудрат- чиларга мукофот тари- қида 1.560 минг тўлан- ди. 316 бош кўй эса мол бошини омон сақлаган чўпонларга ажратилди.

Пайчилар 9 миллион сўм дивидент олишди. 1-Пирча фермасидан Асад Рустемов, 2-Қўсба фер- масидан Шерпўлат Мир- заевлар баракали меҳ- нати учун энг кўп ҳақ ол- ган пудратчилар, деб то- пилди.

Мустақилликнинг ўн биринчи йили баҳори Томди яйловларига бўлакча тароват, жози- ба ва гўзаллик бахш этди. Утган йилларда бир томчи сувга зор бўлган дала-қирлар уст- ма-уст ёққан қору ём- ғирлардан яшнаб-яша- риб, кўм-кўк майсалар билан қопланди. Чўллик- лар учун улоқ қадоми- ган пайт, кўзилатиш мавсуми — мусобақала- шиш палласи бошланди. Хуллас, Томдига баро- катли баҳор келди.

ЯЛҲОЗ САРМЕТ, «Ишонч» мухбири. И.ХАСАНОВ олган суратлар

ЖАҲОН АНДОЗАСИДАГИ ТЕХНИКАЛАР

Словакиянинг Тошкентдаги элчихонаси- да йўл қурилиш техникаларини ишлаб чи- қарувчи Словакиянинг йирик корхонаси CSM Tisovec ва Россиянинг Руслан фир- маси таъсис этган «CSM Руслан» қўшма ак- сиядорлик жамиятининг таништирув так- димоти ўтказилди.

Учрашувда «Ўзавтойўл», «Ўзқишлоқмашхолдинг» концернлари, «Ўзавтосаноат» уюшмаси, бошқа ва- зирликлар ҳамда идоралар вакиллари иштирок этди.

— Мазкур акциядорлик жамиятимиз уч йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда, - деди «CSM-Рус- лан» ЕАЖ бош директори Виктор Войнов «Туркис- тон-пресс» мухбирига. - Словакиянинг йўл қури- лиш техникалари Россия ва МДХнинг бошқа дав- латларида муваффақиятли ишлатилмоқда. Шунинг ҳисоб- га олиб бизлар мазкур техникаларни Европа дара- жасида капитал таъмирловчи дастлабки корхонани барпо этдик. Корхона учун Домодедово ҳудудидан завод сотиб олдик. Ҳозир унда юз киши ишлаяп- ти. 2001 йилда унинг даромади 5 миллион доллар- ни ташкил этди. Уч йил ичида халқро даражада- ги техник марказни барпо этишдан ташқари Санкт- Петербургда ҳам ўз ваколатхонамизни очдик.

В.Войновнинг айтишича, акциядорлик жамияти келгусида Нижний Новгород, Екатеринбург шаҳар- ларида ва Қозоғистонда йўл қурилиш техникасига хизмат кўрсатувчи марказларни очиниш режалаш- тирмоқда. - Ўзбекистонга келишдан мақсад, ҳамкорлик ало- қаларини ўрнатиш, лозим бўлса, бу ерда ҳам шу каби марказни очиниш, — деди В.Войнов.

ОВРЎПО БЎЙЛАБ САФАР

Вашингтонда АҚШ прези- денти Жорж Бушнинг шу йил 23-26 май кунлари Россияга расмий ташриф буюражакли- ги эълон қилинди. Оврўпо бўйлаб сафарда Ж.Буш Рос- сиядан сўнг Олмония ва Францияга ҳам боради. Оқ уй раҳбари мазкур мамла- катларнинг олий мартабали арбоблари билан мулоқот- ларда халқро терроризмга қарши курашдаги умумий мақсадлар, трансатлантик алоқаларни мустақамлаш, ягона, эркин ва тинчликпар- вар Оврўпони вужудга кел- тириш каби масалаларни му- хокама этади.

ТАРТИБ ЎРНАТИШ ЙЎЛИДА

Афғонистонда фаолият кўрсатаётган халқро тинч- ликпарвар кучлар таркибига кирувчи 4 мингга яқин ҳар- бийлар мамлакат пойтахти — Қобул аҳолисининг хавфси- злигини таъминлаш йўлида саъй-ҳаракат кўрсатмоқда- лар. Улар «Толибон» ҳаракат- и ҳамда «Ал-Қоида» ташки-

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

лоту аъзоларининг шаҳарда- ги махфий аслаҳоналарини ҳамда омборларини то- пиш ва уларни зарарсизлан- тириш билан шуғулланмоқда- лар. Бундай машаққатли ва хавфли тадбирларда Олмо- ниянинг 850 нафар ҳарбий- лари ҳам иштирок этмоқда- лар. Олмония мудофаа ва- зирли Рудольф Шарпинг ҳамда Олмониянинг Афғо- нистондаги ҳарбий кучлари қўмондони Харальд Кужатлар яқинда баёнот бериб, Олмо- ния офицер ва аскарлари афғо- н халқи осойишталиги йўлида ўзларига даҳлдор барча хайрли ишларни амал- га оширадлар, дейишди.

БАЛЛИ, АНДРЕЙ!

Россия ҳарбийлари ораси- да Андрей Долгошев деган жасур ва матонатли йигит бор. У Чеченистондаги ҳар- бий операцияларда қатнаша- ётганда огир ярадор бўлиб, анди оёғидан айрилган эди. Индрий узок муддат шифо-

хоналарда даволанди. Ора- дан кўп вақт ўтишига қара- май, у тушунликка тушма- ди. Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Алексей Мере- севе каби ясама оёқларда юриш машини қанда қилма- ди. Ниҳоят, ўз мақсадига эришди. Яқинда Андрей ҳар- бий комиссия аъзоларини қойил қолдириб, ҳарбий хиз- матга қайтди. Жасур жанг- чининг матонати муносиб тақдирланди. Унинг оиласи- га тўрт хонали уй тўхфа қилинди.

АСИРЛИКДАН ОЗОДЛИККА

Ҳожатбарорлик деб атал- миш олийжаноб иш билан шуғулланиб келган америка- лик эр-хотин — Мартин ва Грасия Бэрнэмлар тўққиз ой- лик асирликдан сўнг озод- ликка чиқдилар. Уларни Фи- липпинда баттоллик қилаёт- ган «Абу Сайёф» номли тер- рорчи ташкилот жангарила- ри 2001 йилнинг 27 майида

ўғирлаб кетган эдилар. Жо- рди йилнинг 8 марти — Хал- қро хотин-қизлар байрами арафасида, ниҳоят, Бэрнэм- лар қўйиб юборилди. Маълум- лотларга қараганда, «Абу Сайёф» гуруҳи «Ал-Қоида» ташкилоти билан тигиз ало- қада бўлган. Бэрнэмлар яқинда ватанларига қайтиш- ди.

СУНЬИЙ ОДАМ ЯРАТИЛДИ

Карнеги Меллон номидаги робот-техника университети тадқиқотчилари анчадан буён суньий одам яратиш устида изланишлар олиб боришмоқ- да эди. Бу борада дастлабки муваффақият қўлга киритил- ди. Улар инсон каби хатти- ҳаракат қиладиган суньий одам ясади. Унга Виксия деб исм берилди. Виксия одамга ўхшаб гапирди, лабларини чўччайтирди, кимдир ўзига яқинлашса, унга юзланади, саволлар беради ва жавоб- ларни эшитди.

МУҲОЖИРЛАРГА ҚАЕРДАН ЖОЙ БЕРИЛАДИ?

Австралия ҳукумати мам- лакатга кириб келаётган но- қонуний муҳожирлар сони ор- тиб бораётганидан ташвиш билдирмоқда. Эндиликда ҳукумат қочқорларни мамла- кат ҳудудига мутлақо кирит- маслиқни режалаштирмоқда. Бундан буён муҳожирларга Австралиядан узокда жой- лашган ороллардан бирида бошлана берилиши мумкин.

САМОЛЁТДА ҚЎЛГА ТУШДИ

Тожикистон пойтахти аэро- портида самолёт ичида 1,2 килограмм гиёҳвандлик мод- дасини олиб ўтишга уринган киши ҳибсга олинди. Маълум бўлишича, жиноятчи мазкур моддани Россияга олиб ке- таётган экан. Аини пайтда ушбу шахс устидан жиноий иш қўзғатилди.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

«Авесто» халқимиз тарихининг олтин саҳифаси. Унда кўхна урф-одатлар, удумлар ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Халқ байрамлари ҳақидаги тафсилоту лавҳалар шулар жумласидандир. Бу фактлар халқ байрамларининг тарихи эрамиздан олдинги икки минг йилларга бори тақалишини кўрсатади. Ана шундай кўхна халқ байрамларидан бири Наврўздир.

Наврўз. Фарвардин ойида бошланиб, Хурмузд рўз, деб аталади. Бу янги йил Ахурамаздо номи билан бошланади, демакдир. Байрамни пешдоийлар сулоласи шоҳларидан бўлмиш Жамшид жорий қилган. Нақл қилишларича, Тангри Одамни Наврўз куни яратган ва фаришталар уни мубаракбод этгани келиб, шодиёна билан қайтишган экан. Шунинг учун ҳам Наврўз энг қутлуғ ва шодиёна кун саналган. Одамзотнинг бу байрамга алоҳида тайёргарлик кўриши, ҳамма ёқни тозалаб, арик-ховузлар, ховли-жой, хонадон, идиш-товок, уй анжомлари, кийим-кечакларни тозалаб, янгилашга интилишларининг асосий сабаби ҳам шу.

Султон Маҳмуд Наврўзни халқ байрами сифатида оммавий тарзда нишонлаш хусусида махсус фармон чиқаргани ҳам беҳиз эмас. Салжукийлар даврида эса у давлат микёсида тантанали равишда байрам қилинган. Махшур математик олим ва файласуф шоир Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама» асари, Бериунининг «Қадимги аждодлардан қолган ёдгорликлар», Ибн Синонинг «Донишнома» асаридидаги Наврўзга доир мулоҳазалари ҳам ана шу даврларда ёзилган. Кейинги асрларда Наврўз байрамнинг муҳияти кенгайди. У халқ омма-

НАВРЎЗ

Энг қутлуғ, шодиёна кун

си томонидан янгила-ниш, табиатнинг уйғо-ниш даври, эзгу ишлар, боғу роғлар барпо этиш, кўчат ўтказиш, янги биноларнинг илк гиштини қўйиш, деҳқон-чилик мавсумининг бош-ланиши сифатида халқ шодиёнаси, сайли тар-зида нишонланган.

Байрамлар кўп. Улар турли сабабларга кўра ўтказилган. Масалан, Фарвардин байрами. Маълумки, Хурдод деб номланган ана шу кунда сарбон Пурушасп хона-дониди чақалоқ туғилди. Бу Зардушт эди. Ана шу гўдак келажакда халқни жоҳилиятдан маърифат-га олиб чиқди. Халқ пешвоси, жамоат арбо-би, воиз, шоир, исло-лотчи даражасига кўта-рилди. «Авесто»да қайд этилишича, Зардушт та-валлуд топган кун ҳам умумхалқ байрами сифа-тида нишонланган.

Ҳозир ҳам Ҳиндистону Эрондаги маздапараст-лар эътиқодига халқ-лар Зардушт туғилган кунни халқ ийди сифа-тида тантана билан ни-шонлайдилар.

Мехржон байрами-нинг пайдо бўлиши халқ-нинг истиқлол, озодлик учун кураши тарихи би-лаги боғлиқ. Маълумки, афсоналарга кўра, шаҳ-зода Заҳҳок («Авесто»да

лима ва фан ходимлари касабаси бўлиб бораятган ушбу эстафета вилотимиз-да меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандла-рини соғломлаштириш ва спортни оммалаш-тиришда алоҳида ўрин тутмоқда,- дейди вилот-я Кенгаши раиси Ко-диржон Парпиев. — Зеро, республикамиз-да, хусусан, вилотия-мизда барча соҳалар-даги каби спортда эришилаётган ютук-ларда аёлларимизнинг улуши катта эканлиги ҳам беҳиз эмас.

Бир неча спорт тур-ларидан иборат мусо-бақаларда вилот таъ-

лим ва фан ходимлари касабаси бўлиб бораятган ушбу эстафета вилотимиз-да меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандла-рини соғломлаштириш ва спортни оммалаш-тиришда алоҳида ўрин тутмоқда,- дейди вилот-я Кенгаши раиси Ко-диржон Парпиев. — Зеро, республикамиз-да, хусусан, вилотия-мизда барча соҳалар-даги каби спортда эришилаётган ютук-ларда аёлларимизнинг улуши катта эканлиги ҳам беҳиз эмас.

Бир неча спорт тур-ларидан иборат мусо-бақаларда вилот таъ-

лим ва фан ходимлари касабаси бўлиб бораятган ушбу эстафета вилотимиз-да меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандла-рини соғломлаштириш ва спортни оммалаш-тиришда алоҳида ўрин тутмоқда,- дейди вилот-я Кенгаши раиси Ко-диржон Парпиев. — Зеро, республикамиз-да, хусусан, вилотия-мизда барча соҳалар-даги каби спортда эришилаётган ютук-ларда аёлларимизнинг улуши катта эканлиги ҳам беҳиз эмас.

Бир неча спорт тур-ларидан иборат мусо-бақаларда вилот таъ-

лим ва фан ходимлари касабаси бўлиб бораятган ушбу эстафета вилотимиз-да меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандла-рини соғломлаштириш ва спортни оммалаш-тиришда алоҳида ўрин тутмоқда,- дейди вилот-я Кенгаши раиси Ко-диржон Парпиев. — Зеро, республикамиз-да, хусусан, вилотия-мизда барча соҳалар-даги каби спортда эришилаётган ютук-ларда аёлларимизнинг улуши катта эканлиги ҳам беҳиз эмас.

Бир неча спорт тур-ларидан иборат мусо-бақаларда вилот таъ-

лим ва фан ходимлари касабаси бўлиб бораятган ушбу эстафета вилотимиз-да меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандла-рини соғломлаштириш ва спортни оммалаш-тиришда алоҳида ўрин тутмоқда,- дейди вилот-я Кенгаши раиси Ко-диржон Парпиев. — Зеро, республикамиз-да, хусусан, вилотия-мизда барча соҳалар-даги каби спортда эришилаётган ютук-ларда аёлларимизнинг улуши катта эканлиги ҳам беҳиз эмас.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

Ажи Даҳак) Жамшиднинг такаббурлиги, худодик даъво қилганидан фой-даланиб, Эрону Турон ерларини босиб олади. Унга Иблис-Ахриман ёр-дам беради. У шох ош-хонасида тансиқ таом-лар пиширадиган ошпаз сифатида ном чиқаради. Заҳҳок Иблисга «қилган хизматларинг учун тила тилагингни» дейди. Ин-

Охири улар Темирчи Кова бошчилигида кўзгалон кўтариб, Заҳҳокни тутиб, Дамавон тоғига михлайдилар ва Жамшид қавмидан бўлмиш Фаридунни тах-тта ўтказдилар. Ана шу кун ҳам Мехржон номи билан Зардуштийлар-нинг қутлуғ шодиёна кун-ларидан бирига айлан-ган. Мехржон (Мехржон)

Бундан ташқари зар-душтийларда яна «Ой-лар байрами», «Тиргон-сув сепиш», «Гохлар» байрами сингари бир қанча халқ ийдлари ҳам бўлганки, уларнинг ҳар бири аждодларимиз-нинг бирон-бир удуми, одати билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, тиргонга кўра мовий осмонда илк бор кама-лак кўринганда халқ ях-шилиқ, рўшнолик бел-гиси сифатида бир-бирига сув сепиб ўйнаган.

Кўриниб турибдики, аждодларимизнинг ҳар бир байрами, унинг та-

рихи, келиб чиқиши турмуш тарзи табиат ходисалари билан бе-восита боғлиқ экан. «Авесто»да келтирил-ган удумларнинг ай-римлари ҳозир ҳам халқимиз турмуш тарзи-да давом этиб келаят-тир.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ, Филология фанлари доктори, профессор.

Касаба уюшма тадбири

Андижон вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан хотин-қизлар эстафета мусобақаси бўлиб ўтди.

Анъанавий тус олиб бораятган ушбу эстафета вилотимиз-да меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандла-рини соғломлаштириш ва спортни оммалаш-тиришда алоҳида ўрин тутмоқда,- дейди вилот-я Кенгаши раиси Ко-диржон Парпиев. — Зеро, республикамиз-да, хусусан, вилотия-мизда барча соҳалар-даги каби спортда эришилаётган ютук-ларда аёлларимизнинг улуши катта эканлиги ҳам беҳиз эмас.

Бир неча спорт тур-ларидан иборат мусо-бақаларда вилот таъ-

нингдек, рағбатланти-рувчи ўринлар ҳам таъ-сис этилди. Бунда «Энг намунали жамоа» мақомига вилот эн-гил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хиз-

нингдек, рағбатланти-рувчи ўринлар ҳам таъ-сис этилди. Бунда «Энг намунали жамоа» мақомига вилот эн-гил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хиз-

нингдек, рағбатланти-рувчи ўринлар ҳам таъ-сис этилди. Бунда «Энг намунали жамоа» мақомига вилот эн-гил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хиз-

нингдек, рағбатланти-рувчи ўринлар ҳам таъ-сис этилди. Бунда «Энг намунали жамоа» мақомига вилот эн-гил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хиз-

нингдек, рағбатланти-рувчи ўринлар ҳам таъ-сис этилди. Бунда «Энг намунали жамоа» мақомига вилот эн-гил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хиз-

АЁЛЛАР ЭСТАФЕТАСИ

ёқилги-энергетика, геоло-гия ва кимё саноати ходимлари касабаси уюш-маси эришди. Энг ёши улуг қатнашчи Лариса Райхел алоҳида сов-рин билан тақдирланди.

М. ЎРМОНБЕКОВА, Н. ЖАЛОЛОВ.

ҚУВОНЧЛИ ЛАҲЗАЛАРГА БОЙ

Спорт локайдликни ҳушламайди. Дарҳол, кўзга ташланади. Айниқса, футболда бунни яшириш қийин. Ия, фалончига нима бўлди, дея халғга боради мухлис, бу хол унинг кайфиятига таъсир қилиб, кизиқини сўндиради.

Чамаси, мураббийларимиз футбол ишқи-бозларининг руҳиятини анчайин тушуниб олган кўринишади. Ҳар қалай XI миллий чемпионати-мизнинг биринчи тури шиддатли курашлар остида ўтди. Хусусан ўтган йилги чемпион билан бронза медали соҳиблари ўртасидаги баҳс ажойиб лаҳзаларга бой бўлди. Тўпнинг

оқладилар. Аслида ҳисоб бундан-да йирик-роқ бўлиши мумкин эди, чунки нафақат «Нефтчи», балки «Насаф» дарвоза-си ҳам бир неча бор иш-ғол қилиниши учун етар-ғил имкониятлар юзага келган эса-да, гоҳ дар-возабонлар Пётр Гизим-чук, гоҳ Георгий Заби-ров маҳорат кўрсатиш-ди. Қолаверса, ҳал қилувчи зарбаларни бе-ришда ҳужумчилар ҳам кўп ноаниқликларга йўл қўйдилар.

Хуллас, мавсумнинг эндиғина бошланганиги сезилиб турди. Шу боис

УЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАСИЗ

Замонавий тараққиётни юксак техно-логияга асосланган алоқа тизими ва ахборот машинависиз тасаввур этиш қийин. Бу борда электрон почта, хусусан, Интернет тизимининг аҳамияти бекиёс. Бухорода ўтказилган «Навкирон Бухоро» Интернет ресурсларининг 2-фестивали қатнашчилари бунга яна бир бор амин бўлишди.

«Навкирон Бухоро» Интернет воситалари 1-фестивали 2001 йилда мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтган эди. Бухоро шаҳар ҳокимлиги ва АҚШ-нинг Тадқиқотлар ва ахборот алмасу-ви халқаро институти ҳамкорлигида уюштирилган маъруза фестивалга вилот-даги бир қанча фирмалар ҳомийлик қилмоқда. Фестивалдан қўзланган мақсад Интернет воситаларидан унумли фойдаланиб, миллий маданиятимиз, анъаналаримиз, бой тарихимиз ва маъ-

навий меросимиз, бугунги ҳаётимиз ҳақида маълумот тарқатишдан иборат.

Фестивалда Интернет воситалари орқали у ёки бу йўналишда энг яхши сайтлар тайёрлаб, ўзига ҳос таловда қатнашган номзодлар орасидан голиб-лар аниқланди. «Энг яхши болалар ва ўсмирлар сайти» йўналишида Бухоро-даги 5-меҳрибонлик уйи жамоаси голиб бўлди. Бухоро шаҳридаги инглиз тилига ихтисослашган 16-мактаб «Энг яхши таълим сайти» йўналишида Би-ринчи ўринни эгаллади. «Энг яхши сай-ёҳлик сайти» йўналишида «Salom trayel» фирмаси, «Энг яхши хунарманд сай-ти»да уста Исрол Мухоминов, «Энг яхши спорт сайти» йўналишида эса «Универ-сиада - 2002» мусобақалари ҳақида маълумот тўплаган Шавкат Муҳаммедов голибликни қўлга киритди.

«Энг яхши таълим сайти» йўналишида Би-ринчи ўринни эгаллади. «Энг яхши сай-ёҳлик сайти» йўналишида «Salom trayel» фирмаси, «Энг яхши хунарманд сай-ти»да уста Исрол Мухоминов, «Энг яхши спорт сайти» йўналишида эса «Универ-сиада - 2002» мусобақалари ҳақида маълумот тўплаган Шавкат Муҳаммедов голибликни қўлга киритди.

«Энг яхши таълим сайти» йўналишида Би-ринчи ўринни эгаллади. «Энг яхши сай-ёҳлик сайти» йўналишида «Salom trayel» фирмаси, «Энг яхши хунарманд сай-ти»да уста Исрол Мухоминов, «Энг яхши спорт сайти» йўналишида эса «Универ-сиада - 2002» мусобақалари ҳақида маълумот тўплаган Шавкат Муҳаммедов голибликни қўлга киритди.

«Энг яхши таълим сайти» йўналишида Би-ринчи ўринни эгаллади. «Энг яхши сай-ёҳлик сайти» йўналишида «Salom trayel» фирмаси, «Энг яхши хунарманд сай-ти»да уста Исрол Мухоминов, «Энг яхши спорт сайти» йўналишида эса «Универ-сиада - 2002» мусобақалари ҳақида маълумот тўплаган Шавкат Муҳаммедов голибликни қўлга киритди.

«Энг яхши таълим сайти» йўналишида Би-ринчи ўринни эгаллади. «Энг яхши сай-ёҳлик сайти» йўналишида «Salom trayel» фирмаси, «Энг яхши хунарманд сай-ти»да уста Исрол Мухоминов, «Энг яхши спорт сайти» йўналишида эса «Универ-сиада - 2002» мусобақалари ҳақида маълумот тўплаган Шавкат Муҳаммедов голибликни қўлга киритди.

«Энг яхши таълим сайти» йўналишида Би-ринчи ўринни эгаллади. «Энг яхши сай-ёҳлик сайти» йўналишида «Salom trayel» фирмаси, «Энг яхши хунарманд сай-ти»да уста Исрол Мухоминов, «Энг яхши спорт сайти» йўналишида эса «Универ-сиада - 2002» мусобақалари ҳақида маълумот тўплаган Шавкат Муҳаммедов голибликни қўлга киритди.

Турфа олам ГУЛЛАР НЕГА ҲИДЛИ БЎЛАДИ?

Хушбўй гулларнинг сон-саноғи йўқ. Уларнинг баъзилари кун-дузи баъзилари кош қорайгандагина хид таратади. Бунинг сабаби нимада?

Ўсимликларнинг гултож баргларида махсус хужайралар бор. Уларда эфир майлари бўлади. Гулнинг хиди ҳарорат, намлик ва шу каби шарт-шароитларга қараб ўзгариши мумкин.

Гулга хиднинг нима керағи бор? Маълумки, ўсимлик уруғ бой-лаш учун гул чанг-ланиши керак. У ўзига ўхшаш бошқа гулнинг чангини олиши зарур.

Гул чангини ҳашо-ратлар олиб ўтиб тар-қатади. Ўсимлик ҳидига ҳашоратлар учиб келади. Улар гулнинг ширин нектари-ни егани учун гул-ларни қидиргани қидирган.

Лекин баъзи гул-лардан ўлакса хиди келади. Нима ҳам дейсиз. Баъзи ҳашо-ратлар, масалан, ўлаксахўр пашшалар-ни ана шундай хид қорайди.

КИТ СУТИДА ХОСИЯТ КЎП
Кит сути зотли си-гир сутидек жуда қай-моқли бўлади. Турки-бидаги ёғ моддаси 50 фоизгача боради. Битта ургочи кўк кит-нини сут безлари бир кеча-кундузда 90 лит-рга яқин сут ишлаб чиқаради. Унинг иш-тахаси ҳам шунга яраша, 3-4 тонна ба-лиқни кўрдум демай-ди. Овчилар, «кит доим ёғли кўз ёши тўкиб йиғлайди», дейишади.

Бу гада жон бор. Негаки, махсус без-лардан муттасил иш-ланиб чиқадиган ёғ моддаси унинг кўзла-рини мойлаб туради.

Бу денгиз сувининг зарарли таъсиридан кўзни муҳофаза қила-ди.

Маълумки, треска балиғи «А» витамин-га бойлиғи билан кадрланади. Кит жи-гариди эса бу витам-ин трескадагидан ҳам кўп бўлади.

Китнинг кашалот деган бир тури ҳам борки, унинг ошқоз-онидан гоят нодир ан-бар моддаси олина-ди. Анбар қўшиб иш-ланган атир ҳиди хатто бир йилгача йўқотмайди.

А.АЛИЕВ.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимуҳажева, Маммура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.30

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.